
Кундан кунга обод масканга айланаётган "Абдулқоххор ота" зиёратгоҳида ободонлаштириш ва яшил маконга айлантириш ишлари олиб борилди

Бугун Фурқат тумани "Бекобод" манзилида жойлашган "Абдулқоххор ота" зиёратгоҳида ҳашар тадбирлари, ободонлаштириш ва яшил маконга айлантириш ишлари юқори савияда ўтказилди.

Тадбир аввалида нурунийлар, маҳалла оқсоқоллари, 200 га яқин ҳашарчилар иштирокида ушбу манзилда ўтганлар руҳига тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Зиёратгоҳ бўйлаб, ариқ ёқалари, хиёбон ва қуриган дарахтлар ўрнига 1000 га яқин манзарали кўчатлар қадалди. Эски дарахтлар парвариш қилиниб, таги оқланди, ариқ-зовурлар тозаланиб, сўлим масканга айлантирилди.

Ҳашар қатнашчилари ва меҳмонлар учун 8 та қозонда ош дамланиб, дастурхонга тортилди.

Дастурхон атрофида жам бўлган ёши улуғлар юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, бирдамлигини сўраб, фотиҳага қўл очдилар.

Маълумот ўрнида, 2023 йил Баҳор мавсумида 334 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, қаламчалари экиш ишлари режалаштирилган. Айни кунларда 4082 дона кўчатлар экилди.

2023-02-23 17:11:42